

№ 05/22 - сонли пудрат шартномаси

Зарбдор тумани

“ 19 ” май 2022 йил

Зарбдор туман халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи Зарбдор туман халқ таълими бўлими мудирини М Исраилова ва “ELBEK SAMO” МСНЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи Н Маматкаримова мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздидар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади:

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Бажариладиган ишлар номи	Сумма
1.	Жиззах вилоят Зарбдор тумани 15-сонли мактаб биносини жорий тамирлаш	62 173 913,00
	15% ҚҚС (НДС)	9 326 087,00
X	Жами:	71,500,000.00

Сўз билан:(Етмиш бир миллион беш юз минг) сўм

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил 19 - майга қадар пудратчига зарурий лойиха-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати:

2022 йил 19 - майдан

2022 йил 17 - июнгача.

Пудратчи ишларни олдиндан бажариш ҳуқуқига эга.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки нинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи 10 (ўн) банк куни давомида пудратчига шартнома қийматининг олдиндан 30% миқдорда банк тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни жойида бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг муддатдан кечиктирмасдан буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома иккала томон имзоланиб ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга қиради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

- 3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилагн муддатда бажариш.
- 3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;
- 3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;
- 3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш;
- 3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифати ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.
- 3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;
- 3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.
- 3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.
- 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- 3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 10 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дархол хабар бериш.
- 3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3- бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.
- 3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 3.4.1. Хар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.
- 3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воч кечиб, белгиланган баҳонинг бюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутаносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.
4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби
- 4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС (НДС билан: 71 500 000 (Етмиш бир миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.
- 4.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс тўлаш билан босқичма-босқич асосида амалга оширилади.
- 4.2.1. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4% миқдорида жарима ва хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида,

аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланилади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг масжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмавчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни хўжалик судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустраси билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, бюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга хабарнома юборади.

9. Коррупсияга қарши келишув.

9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда "Томонлар" коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини

таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2 "Томонлар" коррупсияга қарши қондалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтагиб қўйиши мумкин.

9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тарғибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. Яқуний қондалар.

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади, Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

“ПУДРАТЧИ”

« ELBEK SAMO » МСНД

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзили: Жиззах вилояти.

Зарбдор туман. Бўстон. Дўстлик мфй

Микрарайон 12/12 уй

Телефон/факс 90 770 87 48

шхв: 401722860082207092100075007 → ✓

Банк номи Ипотекабанк

Жиззах ф

СТИРИ: 305226742 . МФО-00122

ОКОНХ:-----

“БУЮРТМАЧИ”

Зарбдор туман халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Зарбдор шаҳарча

Ойбек МФЙ Мурабийлар кўча 2-уй

Тел 72-492-26-44

Банк номи Марказий банк

СТИР: 201358956 ОКОНХ: 85 310

Ўз Рес Молия вазирлиги Ғазначилик бўлинмаси.

х/в.23402000300100001010

Банк

номи Марказий банк

МФО-00014.

СТИР: 20122919

Рахбар:



У.САДМОВ

Рахбар:



М.Исроилова

Зарбдор тумани халқ таълими
YURIDIK AHAMIYAIGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

HUQUQIY XULOSA

№ XI17546438

1. **Loyihaning:** Shartnomasi.

2. **Loyihaning nomi:** 05/22-sonli pudrat shartnomasi tuzish to'g'risida.

Zarbdor tuman xalq ta'limi bo'limi (keyingi o'rinlarda "Buyurtmachi" deb yuritiladi) nomidan nizom asosida faoliyat yurituvchi Zarbdor tuman xalq ta'limi bo'limi mudiri M Israilova va "ELBEK SAMO" MCHJ (keyingi o'rinlarda "Pudratchi" deb yuritiladi) nomidan Jizzax viloyat Zarbdor tumani 15-sonli maktab binosini joriy tamirlash uchun 71,500,000.00 (Yetmish bir million besh yuz ming) so'mlik ishlarni bajarish uchun tuzilgan shartnoma.


Ushbu shartnoma tuzilishida maxsus komissiyaning yig'ilish bayonnomasi hamda smetalari ilova qilingan.

3. **Loyihani ishlab chiqaruvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.**

Zarbdor tuman xalq bo'limining 2022-yil 19-maydagi 05/22-sonli pudrat shartnomasi.

Loyiha: O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Abduvaitov

19.05.2022 yil

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 81742 на приобретение Жиззах вилоят Зарбдор тумани 15-сонли мактаб биносини жорий тамирлаш

Способ проведения электронный

Дата 17.05.2022

Время рассмотрения 17.05.2022 23:13

Конкурсная комиссия Зарбдор туман Халк Таълим Булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ISROILOVA MAXFUZA NEMATOVNA	Зарбдор халк таълими мудири (Комиссия раиси)	Зарбдор халк таълими Булими
Секретарь комиссии	KUSHNAZAROV DILSHOD MAVLONOVICH	АКТ мутахассиси (комиссия котиби)	Зарбдор ТХТБ
Член комиссии	SHODMONQULOV OLIMJON ESHPO'LATOVICH	Бош иктисодчи (комиссия аъзоси)	Зарбдор ХТБ
Член комиссии	ISMAILOV SHOXYZOD ORIFOVICH	Бош хисобчи (комиссия аъзоси)	Зарбдор ХТБ
Член комиссии	XODJABEKOV BARATULLA USAROVICH	Курулиш булими бош мухандиси (комиссия аъзоси)	Зарбдор ХТБ
Член комиссии	EGAMBERDIYEV BAXTIYOR O'ROLOVICH	Давлат харидлари Шартнома буйича хисобчи (комиссия аъзоси)	Зарбдор ТХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.05.2022 года № лота 81742.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Жиззах вилоят Зарбдор тумани 15-сонли мактаб биносини жорий тамирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	73 154 424.00
Стартовая сумма	73 154 424.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Пудратчи ташкилот томонидан бажариладиган иш сифат талабига жавоб бермаса буюртмачи шартнома бекор килинади

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи ташкилот томонидан бажариладиган иш сифат талабига жавоб бермаса буюртмачи шартнома

бекор килинади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELBEK SAMO MCHJ	20	Жамиятимиз томонидан барча курсатилган иш буйича Сифатига кафолат беради	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Ташкилотимиз барча курсатилган ишга кафолат беради	17	Экспертная		
BIG LION MCHJ	20	Маълумотнома	17	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELBEK SAMO MCHJ	20	жамиятимизда хозирги кундан уз балнисида 3 та курилишга ва таъмирлашга мулжалланган махсус техникаси хамда ижара асосида хизмат килаётган 10 га якин махсус техникаларига эга	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Ташкилотимизда 27 та махсус техникаларимиз бор	18	Экспертная		
BIG LION MCHJ	20	Маълумотнома	18	Экспертная		

Критерий №3 Пудратчи ташкилотнинг Давлат рухатидан утганлиги тугрисида Гувохномасини такдим килиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи ташкилотнинг Давлат рухатидан утганлиги тугрисида Гувохномасини такдим килиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELBEK SAMO MCHJ	20	ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН УТГАНЛИГИ ТУГРИСИДА ГУВОХНОМА НУСХАСИ ИЛОВА КИЛИНАДИ	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Ташкилотимиз Гувохномаси илова	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		килинади				
BIG LION МЧЖ	20	Гувохнома	20	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELBEK SAMO МСНЖ	20	Жамиятимизда хозирги кунда 11 та доимий хамда 20 га якин мавсумий жами 30 дан ортик ишчи ходимлар иш фаолият юритади	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE МСНЖ	20	ташкilotимизда доимий ишлайдиган 30 та ишчи ходим фаолият юритади	19	Экспертная		
BIG LION МЧЖ	20	Маълумотнома	17	Экспертная		

Критерий №5 Барча сметада курсатилган ишларни сифатли бажариш шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Барча сметада курсатилган ишларни сифатли бажариш шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELBEK SAMO МСНЖ	20	Жамиятимиз курсатилган ишни сметага асосан бажаришга кафолат берамиз	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE МСНЖ	20	Сметада курсатилган иш буйича барча ишларни амалга оширамиз	18	Экспертная		
BIG LION МЧЖ	20	Маълумотнома	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ERK CAPITAL LUXE МСНЖ	73 154 424.00	72 000 000.00	11.05.2022 17:22:40	4.83
BIG LION МЧЖ	73 154 424.00	69 496 702.00	17.05.2022 10:12:40	5.00

ELBEK SAMO MCHJ	73 154 424.00	71 500 000.00	11.05.2022 16:49:02	4.86
-----------------	---------------	---------------	---------------------	------

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ERK KAPITAL LUXE MCHJ	87.4	4.83	92.23
BIG LION MCHJ	85.5	5	90.5
ELBEK SAMO MCHJ	95	4.86	99.86

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 81742 от 17.05.2022 года на приобретение Жиззах вилоят Зарбдор тумани 15-сонли мактаб биносини жорий тамирлаш определила победителем:

ELBEK SAMO MCHJ
305226742

и резервный исполнитель: ERK KAPITAL LUXE MCHJ (306231451)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ISROILOVA MAXFUZA NEMATOVNA	Согласен	
Член комиссии	EGAMBERDIYEV BAXTIYOR O'ROLOVICH	Согласен	
Член комиссии	XODJABEKOV BARATULLA USAROVICH	Согласен	
Член комиссии	SHODMONQULOV OLIMJON ESHPO'LATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMAILOV SHOXZOD ORIFOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП